



# мавзу: Сифат кўрсаткичларини сон жиҳатдан баҳолаш усуслари



1  
Тошкент – 2020

# **РЕЖА:**

**1.Квалиметрияning асосий тушунчалари**

**2.Экспертизалар ёки эксперт баҳолаш  
усули**

# 1. Квалиметрияning асосий тушунчалари

- \* **Квалиметрия** – бу, сифат кўрсаткичларини ўлчаш ва сон жиҳатидан баҳолаш тўғрисидаги фан. Сифатни ўлчаш – бу, бундай кўрсаткичларнинг тавсифлари ва уларга бўлган талаблар ўртасида мосликни ўрнатиш. Бунда, талаблар (“сифат эталони”) ҳамма учун бир хил мазмундаги ва унификация қилинган шаклда ҳар доим ҳам ифодаланиши мумкин эмас. Спортчи ҳаракатларининг ёрқинлигини баҳолаётган мутахассис, кўриб турганини ёрқинлик тасаввури билан хаёлан солиширади.

- \* Ҳар қандай сифатни ўлчаш мумкин: ҳаракатларнинг чиройлиигини ва ёрқинлигини баҳолаш учун спортда қадим замонлардан сон жиҳатидан ифодалаш усуулари қўлланилади, охирги вақтларда эса, улар спорт маҳорати, машқ қилиш ва мусобақалашув фаолиятининг самарадорлиги, спорт жиҳозларининг сифатини ва бошқаларни барча томонларини баҳолашда ҳам қўлланилмоқда.
- \* Сифат, “сифат дарахти”ни ҳосил қиласиган бир қатор хусусиятларга боғлиқ. Мисол: учта даражадан – юксак (композицияни бутунлигича бажариш сифати), ўртача (бажариш техникаси ва артистизм) ва тубан (ўлчаш мумкин бўлган алоҳида элементларни бажариш сифатини тавсифлайдиган кўрсаткичлар) даражалардан ташкил топган сифат даражалари коnyderида фигурали учиш машқларини бажаришнинг сифат дарахти.
- \* Ҳар бир хусусият иккита сон: нисбий кўрсаткич  $K$  ва салмоқлик  $M$  билан аниқланади.
- \* Ҳар бир даражадаги хусусиятлар салмоғининг суммаси 1 га (ёки 100%) teng.
- \* Нисбий кўрсаткич, ўлчанаётган хусусиятнинг топилган даражасини (унинг максимал мумкин бўлган даражасидан фоизларда), салмоқлик эса, турли кўрсаткичларнинг таққосланадиган аҳамиятини тавсифлайди. Масалан: фигурачининг ижро техникаси учун  $K_c = 5,6$  балл баҳо, артистизм учун –  $K_t = 5,4$  балл баҳо олди. Фигурали учишда ижро техникаси ва артистизмнинг салмоқлиги бир хил деб қабул қилинган ( $M_c = M_t = 1,0$ ). Шунинг учун, умумий баҳо  $\bar{E} = M_c K_c + M_t K_t$  бўлиб, суммада 11,0 баллни ташкил қиласи.

# Экспертизалар ёки эксперт

## баҳолаш усули

- \* Экспертчи – фан, техника, санъат ва бошқаларнинг маълум бир соҳасидаги тадқиқот обьектини тўлиқ биладиган профессионал мутахассис.
- \* Маълум бир масалаларни ўрганишга ихтисослашган экспертнинг хуносаси, ўлчашлар ва ҳисоб–китобларга нисбатан анча муҳим бўлиши мумкин. Эксперт, қоидага биноан, жуда тажрибали мутахассис ҳисобланади, шунинг учун, уларнинг фикри ё тадқиқот натижаси, ёки ўрганилаётган обьектнинг таҳлили, ёки ҳолатни, ҳодисани истиқболи сифатида қабул қилиниши мумкин.
- \* Шундай қилиб, **эксперт баҳолаш усули**, аналитик усул ёки истиқболни белгилашга қаратилган усул сифатида изоҳланиши мумкин (бу, экспертизанинг вазифаси ва мазмунига боғлиқ).

\* Лекин, ушбу усулда, шу тамойилнинг ўзи ўзига ҳам қарши ишлайди. Бу, бир нечта экспертлар йиғилганда ва маълум бир муаммо бўйича ўз фикрларини билдирган пайтда, эксперт баҳолаш усулининг асосий ғоясиغا боғлиқ. Агар, уларнинг фикрлари бир-бирига тўғри келса, экспертиза амалга ошган ҳисобланади, улар бир овоздан маъқуллаган умумий фикр экспертизанинг натижаси деб қабул қилинади. Агар, уларнинг фикрлари бир-бирига тўғри келмаса, яъни тадқиқот объекти қарама-қарши (айрим пайтларда диаметрал қарама-қарши) фикрлар билан баҳоланса, унда экспертиза амалга ошмаган деб ҳисобланади. Бундай ҳолатда, муаммони ечимини топиш учун бошқа ёндошишларни топиш зарур: ё тадқиқотнинг бошқа усулини қўллаш керак, ёки эксперт гуруҳи таркибини алмаштириш керак, ёки бошқа муаммоларни кўтариш керак.

## 2. Экспертизалар ёки эксперт баҳолаш усули

- \* Амалиёт шуни күрсатадыки, қоидага биноан, эксперталар алоҳида холоса қиладими ёки жамоа қарори сифатида фикр билдирадими, уларнинг фикри бир-бирига жуда ҳам яқин бўлади.
- \* Эксперт баҳолаш усулининг ҳисоб-китоб қисми шундан иборатки, унда эксперталар фикрларининг келишилганлигини таъминлашга эришиш лозим. Шу мақсадда, эксперталарнинг фикрлари маълум бир бирликларда: балларда, очколарда, фоизларда, қисмларда ва шу кабиларда ифодаланиши лозим.
- \* Шундай қилиб, эксперт баҳолаш усулининг тадқиқотчилар томонидан олдиндан тайёрланадиган муолажалари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- \* экспертиза ҳал қилиши талаб этилган муаммо аниқланади;
- \* эксперторлар фикрини белгилайдиган сон ўлчовлари ифодаланади;
- \* эксперторлар грухи танланади;
- \* экспертиза ўтказишнинг мазмуни ва шакли билан эксперторларни таништириш амалга оширилади;
- \* экспертизанинг муолажалари амалга оширилади;
- \* эксперт баҳолаш натижалари якунланади.